«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси Давлат
геология ва минерал ресурслар
қўмитаси Раиси
_____ И.Б.Турамуратов
2017 йил «12» 01

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT SHAHAR
MIROBOD TUMAN HOKIMLIGI HUZURIDAGI
TADBIRKORLIK SUB'EKTLARIGA DAVLAT
HIZMATLARI KO'RSATISH
«YAGONA DARCHA MARKAZI»
RO'YXATGA OLINDI
2017 yil "27" 01 № 006045-09

YAGONA DARCHA MARKAZI

DAVLAT GEOLOGIYA MUZEYINING USTAVI

ТОШКЕНТ – 2017 йил

I. Умумий қоидалар

Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Давлат геология музейининг фаолиятини ташкил этиш тартиби, мақсади ва вазифаларини белгилайди.

1. Давлат геология музейи (кейинчалик матнда Музей) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги ПҚ-2723-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг (кейинчалик матнда Давгеолқўм) 2017 йил 11 январдаги 7-сонли Буйруғига асосан қайта ташкил қилинган.

Давгеолқўм Давлат геология музейининг муассиси ҳисобланади.

2. Давлат геология музейи – музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш, ўрганиш ҳамда оммага намойиш этиш учун Давгеолқўм томонидан ташкил этилган доимий фаолият юритувчи нотижорат давлат муассасаси ҳисобланади.

3. Музей ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Давгеолқўмнинг буйруқларига, мазкур устав ва унинг фаолиятига тааллуқли бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади.

4. Давлат геология музейи юридик шахс мақомига эга бўлиб, мустақил балансга, банк ҳисоб рақамларига, штамплари ва бланкларига, Ўзбекистон Республикаси давлат герби тасвири туширилган, ўзининг фирма номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга.

Музей оператив бошқариш ҳуқуқи асосида алоҳида мулкка эга бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

5. Музей номи:

ўзбек тилида – Davlat geologiya muzeyi;

рус тилида – Государственный геологический музей;

инглиз тилида – State geological museum.

6. Музей таркибига музей раҳбари томонидан тасдиқланадиган низомларга асосланиб фаолиятини амалга оширадиган тузилмавий бўлинмалар киради.

7. Музейнинг жойлашган манзили: 100060 Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 11-а уй.

II. Музейнинг мақсад ва вазифалари

8. Музейнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

- геологик тош материаллари фонди (тоғ жинслари, маъданлар, ярқирама (чақмоқ) тош хом ашёси, палеонтологик қолдиқлар ҳамда бошқа геологик намуналар)ни кенг аҳоли қатламларига таништириш мақсадида аниқлаш, йиғиш, ҳисобга олиш, тизимлаштириш, сақлаш ва тўлдириш;

- республиканинг бой ер ости хом ашё базаси, ер ости бойликлари ҳамда жонсиз табиат ёдгорликлари билан кенг аҳолини таништириш (давлат сири ҳисобланадиган маълумотлар бундан мустасно);

- ёш авлодни республика ҳудудининг геологик тузилишидан хабардор қилиш мақсадида илмий семинар, кўргазма ва тақдимот, конференция, симпозиум ҳамда олимпиадалар ўтказиш;

- маданий, маърифий, мавзули ва илмий - тадқиқот фаолиятини амалга ошириш;

- ер ости бойликлари ва геологик тузилишини, геологик жараёнлар моделини, ернинг пайдо бўлишини, тоғ-кон ишланмаларини кўрсата олувчи, бурғулаш ва бошқа геологик ишлаб чиқариш техникаларидан иборат геологик боғ-музейлар яратиш, қарамоғида тутиш ва фойдаланиш;

- «Ёш геолог» тўгаракларида ўқувчи ва талаба ёшларни геология фанига қизиқишларини уйғотиш ва тарбиялаш мақсадида геологик саёҳатлар, экскурсиялар ташкил қилиш;

- музей ашёлари, музей коллекцияларини эълон қилиш.

9. Музейнинг вазифалари:

- халқимизнинг бой маданий меросини, унинг инсоният тарихидаги ролини ҳаққоний ёритиш;

- сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда мамлакатда эришилган ютуқларни кенг тарғиб этишга қаратилган музей экспозицияларини ташкил этиш;

- музей фондида сақланаётган халқимизнинг моддий ва маданий бойлиги ҳисобланган музей ашёлари ва музей коллекцияларини авайлаб-асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, мамлакат фуқароларига намойиш этиш, дунё жамоатчилигига танитиш ва тарғиб этиш;

- музей ашёлари ва музей коллекцияларини илмий тадқиқ қилиш ишларини кучайтириш;

- тоғ жинслари, минерал ва маъданларни сақлаш, ҳисобга олиш ва тизимлаштириш асосида илмий-тадқиқот, мавзули ишларини олиб бориш;

- музей экспозицияларини ташкил этишда замонавий ахборот коммуникацион технологияларидан кенг фойдаланиш;

- чет эл музейлари билан кўргазмалар ташкил этиш борасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш;

- музей геологик тош материаллари фондини келажак авлодга етказиш мақсадида геологик материалларнинг умрини узайтириш учун зарур шароитларни яратиш, илмий асосланган ва синовдан ўтган усуллар билан таъмирлаш ишларини олиб бориш;

- ёш авлодга экскурсия, илмий семинар, кўргазма ва тақдимот, конференция, симпозиум, олимпияда, геологик саёҳатлар уюштириш, буклет, проспект ва бошқа материалларни чоп эттириш;

- олий таълим муассасалари талабалари ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун минерология, петрография ва палеонтология бўйича назарий ва амалий машғулотлар ўтказиш;

- Ўзбекистон ҳудудининг геологик тузилиши ва ноёб геологик топилмаларни ўрганиш бўйича тадқиқотларни амалга ошириш;

- илмий – тадқиқот, мавзули ва музейга оид маърифий тадбирларни амалга ошириш;

- геологик боғ-музейлар яратиш, сақлаш, фойдаланиш ва ривожлантириш;

- музейда махсус геологик кафедралар ташкил этиш йўли билан таълим муассасаларида назарий ва амалий машғулотлар ўтказиш;

- корхона ва ташкилотлар, музейлар, галереялар, кўриқхоналар, олий таълим муассасалари, шунингдек, хорижий ташкилотлар билан тоғ жинслари, маъданлар, ярқирама (чақмоқ) тош хом ашёси, палеонтологик қолдиқлар ҳамда бошқа геологик намуналарни ўрганиш бўйича илмий-техникавий ва ижодий ҳамкорлик қилиш;

- музейга ишониб топширилган мулкни сақлаш ва авайлаб-асраш чораларини амалга ошириш.

III. Музейнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

10. Ўз фаолиятини амалга оширишда музей қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўрнатилган тартибда ўз таркибий тузилмаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш;

- музей фаолиятига оид ва у билан боғлиқ бўлган тегишли ахборотларни корхона, ташкилот ва муассасалардан олиш;

- илмий - тадқиқот ва мавзули ишларини амалга ошириш;

- Давгеолқўмнинг топшириқларини бажариш учун юқори малакали ходимлардан иборат таркибда вақтинчалик ишчи гуруҳлар тузиш;

- моддий таъминот ишларини бажариш;

- жисмоний ва юридик шахслардан ҳомийлик ёрдамини қабул қилиш;

- ходимларни ижтимоий ҳимоясини таъминловчи самарали меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини жорий этиш ҳамда алоҳида ютуқларга эришган ходимларни давлат мукофотларига тақдим этиш;

- турли ташкилотлар билан музей фаолиятини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик тўғрисида шартнома ва келишувлар тузиш;

- музей қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

11. Ўз фаолиятини амалга оширишда Давлат геология музейи қуйидагиларга мажбур:

- ўрнатилган тартибда ваколатли органларга тезкор, статистик, бухгалтерлик ҳисоботлар топшириш;

- музейда доимий сақлашда бўлган геологик тош фондини, шу жумладан палеонтологик, минералогик, петрография коллекциялар, график материаллар, штамплар, блок-диаграммалар ва археологик материаллардан музей фаолиятига мос тарзда фойдаланиш;

- геологик тош материаллари фондини сақлашга оид ҳамда меҳнат хавфсизлиги, ёнғин, санитария, экологик талаб ва нормаларига риоя этилишини таъминлаш.

Музей ходимларига ўз хизмат вазифа ва мажбуриятлари доирасида жавобгарлик юклатилади.

IV. Музей фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш

12. Давлат геология музейига бевосита раҳбарликни музей директори амалга оширади. Музей директори Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан келишилган ҳолда, Давгеолқўм томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Музей директори:

ўзи раҳбарлик қилаётган музей номидан иш олиб боради, унинг манфаатларини ифодалайди;

музейнинг мол-мулкини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этади ва шартномалар тузади;

музей ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилади, музейга юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

музей ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, уларнинг ваколатлари ва жавобгарлиги даражасини белгилайди;

музей фаолиятини такомиллаштириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ходимлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, музей фаолиятининг бошқа масалалари бўйича тегишли давлат органларига таклифлар киритади;

ходимлар билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномалари тузади;

қонун ҳужжатларига ҳамда мазкур Уставга шунингдек, Давгеолқўм билан тузиладиган меҳнат шартномасига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Музей раҳбари музейнинг якка ижро этувчи органи ҳисобланади ва музей олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, музей номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади.

Музей ходимларининг штат бўйича сони ва уларнинг иш ҳақи миқдорлари директор томонидан Давгеолқўм билан келишган ҳолда тасдиқланади.

13. Музей директори ҳар чоракда Давгеолқўм ҳайъат йиғилишида музей иш режасининг бажарилиши юзасидан ҳисобот беради.

14. Музей директори ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва вазифаларини бажаришда музей манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларнинг, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан ҳамда уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг қондирилиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжлар учун пул маблағларининг ўтказилмаганлиги, ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан музейга берилган давлат мулки йўқолган тақдирда етказилган зарарлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

15. Музей директори ва ходимлар ўртасидаги муносабатлар меҳнат қонунчилиги, жамоа шартномаси ҳамда музей директори ва ходим томонидан тузиладиган меҳнат шартномаси асосида тартибга солинади.

16. Музей ҳисобот даври тугагач, ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва рўйхатни қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади, ҳамда

ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

17. Музей Давгеолқўмга ўз фаолияти ҳақида йиллик ҳисобот тақдим этади.

18. Музей фаолияти устидан назорат Давгеолқўм ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

V. Музейларнинг молиявий-хўжалик фаолияти ва маблағлари

19. Музей мулкини асосий фондлар ва айланма маблағлар, шунингдек, қиймати музей мустақил балансида акс эттириладиган буюмлар ташкил этади. Музей ушбу мулкга қонунчиликда белгиланган доирада, ўз фаолияти ва мақсадига кўра эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф қилади, ҳамда уларнинг холати учун жавобгардир.

20. Давлат геология музейининг мулки:

- Давгеолқўм томонидан музейга оператив бошқариш ҳуқуқи билан бириктирилган мулк ҳамда йиллик харажатлар сметасида кўрсатилган маблағлар;
- музейнинг ўз фаолиятидан олинган даромадлари;
- қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади.

Музей мулкининг қиймати музейнинг мустақил балансида акс эттирилади.

21. Музей ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Давгеолқўм музей мулки етарли бўлмаганда музей мажбуриятлари бўйича субсидиар тартибда жавоб беради. Музей муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

22. Музей биноси техника хавфсизлиги қоидаларига ҳамда санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ жиҳозланади ва улардан тегишли талабларга риоя қилинган ҳолда фойдаланилади.

23. Музейнинг устав фонди 142 000 471 сўм миқдорда белгиланади.

24. Музейнинг устав фонди миқдори Давгеолқўмнинг қарорига кўра кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

25. Музей ўзининг молиявий-хўжалик фаолиятини амалдаги қонунчиликка мувофиқ олиб боради.

26. Давлат музейлари ходимларининг иш ҳақи қонун ҳужжатларига ва меҳнат шартномасига мувофиқ белгиланади.

VI. Музей филиалларини ташкил этиш

27. Музей Давгеолқўм ва тегишли ҳудудий маҳаллий ҳокимликлар билан келишган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз филиалларини ташкил этиши мумкин.

28. Музей филиали директори Давгеолқўм билан келишилган ҳолда музей директори томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

29. Музей филиали мазкур уставга асосан фаолият юритади.

VII. Музейни қайта ташкил этиш ва тугатиш

30. Давлат геология музейи Давгеолқўм қарорига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёки суд қарорига биноан қайта ташкил этилиши, бирлаштирилиши, ажратилиши ёки тугатилиши мумкин.

VIII. Бошқа шартлар

31. Уставга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш Давгеолқўм қарори (буйруқ) асосида қонунчиликда белгиланган тартибда киритилади.

32. Музейнинг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Давлат геология музейи директори **А.Ш.Ахмедшаев**

Прошнуровано Пронумеровано
от 1. до 6.

Директор: Ахмедходжаев А.Ш.

Стр. по 7.